

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2021 йил 23 июнь куни жиноят ишлари бўйича Қ шаҳар судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, судья Қ.А.нинг раислигида, судья ёрдамчиси Л.А.нинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қ шаҳар прокурори ёрдамчиси Ғ.Р., судланувчи Л.Ж. ва унинг ҳимоячиси-адвокат М.И., жабрланувчи Х.Э.нинг иштирокида судланувчи Ж.Л.А.га оид 0-0000-0000/000-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Ж.Л.А. (J.L.A.), 1995 йил 31 майда Қ шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, бир нафар фарзанди бор, муқаддам, жиноят ишлари бўйича Қ шаҳар судининг 2020 йил 6 октябрь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси 1-қисми 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Қ шаҳар судининг 2021 йил 12 апрель кунги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинган, вақтинча ишсиз, Қ шаҳар, А.Н. мавзеси, 96-уй 38-хонадонда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 10 июнь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини эшитиб, жиноят ишида мавжуд далилларни текшириб, тарафларни музокараси ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ж.Л.А., хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, ўзганинг мулкини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2021 йил 7 май куни соат 7:30 ларда Қ шаҳар, Ф. кўчасида жойлашган “Қ савдо комплекси” МЧЖга қарашли бозорга савдо қилиш мақсадида келган фуқаро Э.Х.К. билан кўришиб, уни 100 АҚШ доллар пулини ўзбек сўмига алмаштириш ниятида эканлигидан хабар топиб, унинг ишончини суиистеъмол қилиб, алдаб, 100 АҚШ долларини 1.055.000 сўм миқдоридagi ўзбек пулига айирбошлаб беришга ваъда бериб, ундан 100 АҚШ доллар миқдоридagi пулларни олиб, эвазига Х.К.Э.га 1.055.000 сўм пуллар ўрнига 655.000 сўм миқдоридagi пулларни бериб, қолган 400.000 сўм миқдоридagi пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, жинойий йўл билан қўлга



киритилган 400.000 сўм пулларни шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Суд, судланувчи судланувчи Ж.Л.А.га жазо тайинлашда юқоридаги қонун ва Олий суд Пленуми Қарори талабларига амал қилган ҳолда ғаразли ниятларда жиноят содир этганлигини ҳамда илгари ҳам қасддан жиноят содир қилган шахс бўлгани ҳолда қасддан жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиб, содир қилган жиноятини ижтимоий хавфлилик даражасини, шахсини, ёшлигини, оилавий аҳволини, айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, етказилган зарар бартараф этилганлигини ҳамда иш бўйича жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинойий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасига асосан у шартли озод қилинган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг шартлилигини бекор қилиб, тайинланган жазога қисман қўшиб, узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, жазони ижро қилувчи органлар томонидан белгилаб берилган жойларда ўтатиришни, жазони ўташ муддати корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблашни, унга қўлланган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454 - 457, 463, 465 - 468, 471-473- моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Ж.Л.А.(J.L.A.), Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилсин.

Л.Ж.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Л.Ж. жиноят ишлари бўйича Қ шаҳар судининг 2021 йил 12 апрель кунга жазога кўра, муддатидан илгари шартли озод қилинган 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг шартлилиги бекор қилиниб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасига асосан тайинланган жазога қисман қўшиб, Л.Ж.га узил-кесил 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо жазони ижро қилувчи органлар томонидан белгилаб берилган бошқа жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати маҳкум корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.



Л.Ж.га қўлланган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддат ичида - вилоят судига апелляция тартибида шикоят беришлари ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

Қ.А.

